

## ШАРТНОМА № 8

Андижон шаҳар

«15» август 2022 йил.

Ўз Низомига асосан фаолият юритувчи «Реал савдогар» МЧЖ бундан буён «Сотувчи» деб юритилади, унинг номида раҳбар А.Ахмаджонов бир томондан ва Андижон тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш бошкармаси номидан унинг раҳбари Ш.Насриддинов иккинчи томондан бундан буён «Харидор» деб юритилади, қуйидаги мазмунда шартнома туздиқ:

### 1. Шартнома предмети.

1.1 “Сотувчи” ўзига тегишли булган ва келишилган қуйидаги молларни таклиф этади, “Харидор” эса ушбу молларни қабул қилиб олиб, ҳисоб китоб қилади

Т/№	Маҳсулотнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Халат рабочий жесный	дона	325	132200	42 965 000
	<b>Жами</b>				<b>42 965 000</b>

Шартноманинг умумий суммаси: **42 965 000 сўм** (қирқ икки миллион туққиз юз олтимиш беш миң) сўм ни ташқил этади.

### 2. Шартнома баҳоси ва ҳисоб китоб тартиби.

2.1. Ҳисоб китоб «Харидор» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.2. Шартнома кучга кириб, тегишли ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 банк иш кунида «Харидор» етказиб бериладиган маҳсулотларнинг умумий суммасининг 30% тўлов олдиндан аванс тариқасида "Сотувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Қолган охириги 70% тўлов "Сотувчи" томонидан етказиб берилган маҳсулотлар ҳисоб- варақ фактуралари асосида 90 кун ичида ўтказиб беради.

2.4. «Харидор» томонидан 30% изи олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг «Сотувчи» 30 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда маҳсулотларни «Харидор» га етказиб беради.

### 3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Томонлар бошқа томоннинг ҳужжатини расмийлаштирмаслиги ёки нотугри расмийлаштириш учун жавобгар эмасдирлар.

3.2. «Сотувчи» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган “Товар (маҳсулот)”ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

- Агар “Товар (маҳсулот)”ни етказиб бериш жараёнида “Сотувчи” шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса “Харидор”нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда бепул тузатиб беришга мажбурдир.

3.3. «Харидор» ҳуқуқлари ва мажбуриятлари:

- Камчиликларни бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар “Харидор” ёки учунчи шахслар томонидан тугриланишини харажатларини қопланиши талаб қилишга;

- Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қопланишини “Сотувчи”дан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

#### **4. Томонларнинг жавобгарлиги.**

4.1. “Товар (маҳсулот)”ни белгиланган вақтда етказиб бермаганлиги учун “Сотувчи” “Харидор”га ўтиб кетган муддатнинг ҳар бир банк куни учун етказиб берилмаган маҳсулотнинг қийматидан 0.1 % миқдорида, лекин шартноманинг 10% дан ортмаган миқдорида жарима тўлайди.

4.2. “Товар (маҳсулот)”ни етказиб бериш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилганлиги учун “Харидор”га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган “Товар (маҳсулот)”нинг 20% миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари “Харидор”га “Товар (маҳсулот)”ни етказиб беролмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

4.3. “Товар (маҳсулот)”ни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ нетказиб берилмаган тақдирда “Сотувчи” “Харидор”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0.5% миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган “Товар (маҳсулот)” қийматининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

4.4. Етказиб берилган “Товар (маҳсулот)” учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда “Харидор” “Сотувчи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

#### **5. Низоларни ҳал этиш тартиблари**

5.1. Келишмочиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муваққил равишда улар судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Келишув билан ҳал қилинмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

#### **6. Форс – мажор.**

6.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар «ёнғин, сув тошқини, шу каби бошқа ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

6.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

#### **7. Бошқа шартлар.**

7.1. Шартнома тузиш ва уни бажаришда юзага келадиган низолар белгиланган тартибда ҳужалик суди томонидан ҳал қилинади.

7.2. Шартнома ҳар иккала томоннинг бевосита келишувига биноан бекор қилиниши мумкин.

7.3. Барча узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилган ҳамда ҳар икки томонларнинг ваколатли вакиллари имзоси ва муҳрлари бўлган тақдирда ҳисобга олинади.

7.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, унинг бир нусхаси «Сотувчи» да иккинчи нусхаси «Харидор»да сақланади.

## 8. Шартнома амал қилиш муддати.

8.1. Шартнома имзоланиб, худудий Ҳазначилик булинмасидан руйхатга олинган кундан кучга кириб, «31» Декабрь 2022 йилгача амал қилади.

## 9. Томонларнинг ҳуқуқий манзили ва банк реквизитлари.

«Сотувчи»  
"Реал Савдогар" МЧЖ

«Харидор»  
Андижон тиббий ижтимоий  
хизматлари ривожлантириш  
бошқармаси

(етказиб берувчи номи)

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Адрес: Андижон шаҳари, Университет  
кўча №59 уй  
Тел./факс  
х/р: 20208000200807434001  
Банк номи: АИТ "Ипак йўли" банкининг  
Андижон филиали,  
МФО: 01120, СТИР: 305100440  
ОКОНХ: 71150

Адрес: Андижон шаҳар А.Умархон кучаси  
19-уй  
Ш.х/в: 100021860034017076909344001  
Ш.х/в:  
ИНН: 206946269 ОКОНХ: 91515  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги Ҳазначилиги  
Ҳазна х/р: 23402000300100001010  
Банк номи: Тошкент.ш Марказий банк  
ББХККМ  
МФО: 00014, СТИРи: 201122919

Рахбар

А.Ахмаджонов

(имзо)

М.Ў.

Рахбар

Ш.Насриддинов

(имзо)

М.Ў.

Юрист:

